



YUSUF HAMADANI'S FOUR LIFE-GIVING WORDS

Sanjar Barnoev

Deputy Director, Independent Researcher

Bukhara Academic Lyceum of the Ministry of Internal Affairs

Bukhara State University

Uzbekistan, Bukhara

E-mail: sbarnoev@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Sight, step, consciousness, rest, joy, Homeland, meeting, journey, poetry, soul, inner, appearance, heart, soul, body.

Received: 09.03.25

Accepted: 11.04.25

Published: 13.04.25

Abstract: This article discusses the philosophical content of the four radiant stars, which form the basis of Yusuf Hamadani's Sufi views, and their significance in the upbringing of a well-rounded individual.

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ТЎРТ ҲАЁТБАХШ КАЛИМАЛАРИ

Санжар Барноев

директор ўринбосари, мустақил тадқиқотчи

ИИВ Бухоро академик лицейи

Бухоро давлат университети

Ўзбекистон, Бухоро

E-mail: sbarnoev@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Назар, қадам, хуш, дам, хилват, Ватан, анжуман, сафар, риёзат, нафс, ботин, зоҳир, қалб, рух, жисм.

Аннотация: Мазкур мақолада Юсуф Ҳамадоний тасаввуфий қарашлари негизини ташкил этувчи тўрт рашҳанинг фалсафий мазмуни ва уларнинг қомил инсон тарбиясидаги аҳамияти ҳақида сўз боради.

ЧЕТЫРЕ ЖИВОТВОРЯЩИХ СЛОВА ЮСУФА ХАМАДАНИ

Санжар Барноев

заместитель директора, независимый исследователь

МВД Бухарский академический лицей

Бухарский государственный университет

Узбекистан, Бухара

E-mail: sbarnoev@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Взгляд, шаг, сознание, мгновение, уединение, Родина, собрание, путешествие, аскетизм, желание, внутреннее, внешнее, сердце, дух, тело.

Аннотация: В данной статье рассматривается философское содержание четырех стихов, составляющих основу суфийских взглядов Юсуфа Хамадоний, и их значение в воспитании совершенного человека.

Кириш

Юсуф Хамадоний тасаввуф таълимотига киритган тўрт рашха жуда кўп тасаввуф арбобларининг диққат – эътиборини ўзига тортган ва улар мазкур рашхаларни таҳлил этиб, ўз асарларида уларга шарҳлар ёзганлар. “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан” ва “хилват дар анжуман” рашхалари унинг издошлари томонидан такомиллаштирилиб, Хожагон ва Яссавия тарикатлари учун назарий асос бўлди, десак хато бўлмайди. Шу билан бирга бу калималар инсонни комилликка бошловчи маёқ ўларок бугунги кун учун ҳам ўз долзарблиги йўқотмаган, ёш авлодни тарбиялашда самарали фойдаланиш мумкин бўлган ғоят қимматли маънавий меросдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Нақшбандия таълимотининг йирик намояндаларидан бири Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи чаҳор калима” (Тўрт калима ҳақида рисола) асари ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланмоқда[1:52]. Шунингдек, Хожа Абдуҳолик Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Хамадоний” рисоласида ҳам мазкур рашхалар ҳақида гапириб ўтилган. Г. Наврўзова ва Н. Нурматоваларнинг “Хамадоний – етти пирнинг табаррук устози” деб номланган монографияларида Юсуф Хамадонийнинг тўрт рашхаларининг шарҳи ва таҳлили келтирилган. Мазкур мақолани ёзишда шунингдек, Н. Ҳасан, С. Сайфуллоҳ, И. Эргашевларнинг тадқиқот ишларига мурожаат қилинди.

Муҳокама ва натижалар

Хамадоний томонидан хожагон-нақшбандия таълимотига киритилган илк рашха “Хуш дар дам” ҳисобланади. “Хуш дар дам” мутафаккир томонидан тасаввуф таълимотига киритилган энг асосий ҳаётбахш ўғитлардан бири бўлиб, бу рашха аввал хожагон ва кейин эса нақшбандиянинг воқифлик, хушёрлик, дахлдолик огоҳлик ва онглилик йўлидан бориб, дунё тан олган таълимотга айланишига туртки берди. “Хуш дар дам” “хуш” ва “дам” тушунчаларини уйғунлаштириб, “Хуш” – хушёрлик, огоҳлик, воқифлик, ҳар бир нарса ва ишнинг ўзаги, мазмун-моҳиятини англаш, зеҳн маъноларида келади, “дам” – давр, вақт, замон, он, нафас, маъносида келади. “Хуш дар дам” зоҳирий ва ботиний мазмунни уйғунлаштира олган рашхалардан бири ҳисобланади.

“Хуш дар дам” рашҳаси асосида диққатни жиловлаш, ўй-фикрни бир жойга жамлаш ётади. Фикрни жиловлаш ҳар доим ҳам осон бўлмайди, у гоҳ ўтмишга, гоҳ келажакка бизга

боғлиқ бўлмай сайр қилаверади. Хаёл кирмайдиган кўча, у кезмайдиган минтақа йўқ ҳисоб. Шу сабаб агар фикру хаёл жиловланиб, ёлғиз Аллоҳга қаратилмаса, солиқ кейинги рашҳаларга амал эта олмайди. Зеро, Юсуф Ҳамадоний рашҳалари фақат тил зикрига эмас, дил зикрига асосланади. Қўлга тасбеҳни олиб, шунчаки тилда “Аллоҳ” деган билан мурод ҳосил бўлмайди. Ҳар нафасда тилни ҳам, дилни ҳам, фикрни ҳам Аллоҳ зикри, Аллоҳ ёди эгаллаши лозим. Кўриниб турибдики, “Ҳуш дар дам” рашҳаси кейинги рашҳаларга амал қилмоқ учун ҳал этувчи вазифани бажарар экан, шу боис у биринчи ўринга қўйилган.

“Ҳуш дар дам” рашҳасига амал қилиш инсонни ҳар томонлама юксакликка етаклайди, зоҳиран ва ботинан ўзгариш ва камолотга олиб боради:

- Инсон руҳи ва жисми тўғри ва онгли нафас олиши орқали ёшаради, қувватга тўла бўлади;

- тўғри нафас олиш натижасида инсон бадани орқича чиқиндилардан халос бўлади, дангасалик, ғазаб, ҳасад, бепарволик каби иллатлардан покланади;

- тўғри нафас инсон миясини кислород билан тўйинтириши натижасида унинг фаолиятини мувозанатлайди, ақлий фаолиятнинг самарадор бўлишига олиб келади;

- тўлақонли нафас олиш инсон сезгирлиги, ҳис қила олиш қобилиятини кучайтиради ва уни ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя этади;

- тўғри нафас натижасида танадаги ҳужайралар тўйиниб яшайди, модда алмашинуви меъёрида бўлади, тананинг барча имкониятлари юзага чиқиб, инсоннинг бутун коинот билан уйғунлашувига сабаб бўлади;

- “Ҳуш дар дам” инсон танасини поклаш орқали уни муқаддас руҳнинг манзилига айлантиради;

- “Ҳуш дар дам” рашҳаси ёш авлодни дунёда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга ҳушёрлик руҳида тарбиялашнинг маънавий илдизи сифатида катта аҳамиятга эга.

Тасаввуф таълимотига Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилиб кейинчалик хожагон ва нақшбандия таълимотининг асосий қоидаларидан бирига айланган рашҳа - “Назар бар қадам” рашҳасидир. Унинг мазмуни шундан иборатки, комилликни мақсад қилган кишининг назари доимо оёғи учига қаратилган бўлиши лозим, назар нолайиқ жойларга тушмаслиги зарур. Мазкур рашҳадаги “назар” сўзининг маъноси кўз қуввати, нигоҳ, қараш, кўриш, ақлу ҳуш, қалб кўзи, қалб нигоҳидир. “Қадам” сўзининг маъноси эса, қадам босиш, қаергадир бориш, бирор иш қилиш маъноларини билдиради. “Назар бар қадам” рашҳаси ҳар бир кишининг ўзини назорат қила олишга ўрганиши, ҳар бир қўяётган қадами ва қилишга ҳозирланаётган иши нима мақсадда эканлигини тушуниб, таҳлил этиб, агар у қадам эзгулик йўлида бўлса давом эттириш, аксинча бўлса, ўзини бу ишдан қайтариш, яъни инсоннинг нигоҳи ҳар доим ўз қадамида бўлиши кераклигини талаб этади. Бу рашҳанинг

энг гўзал жихати - нигоҳнинг қадамга қадалиши орқали инсонни кибру ҳаводан сақлаши, камтаринлик фазилатини шакллантиришидир.

Ҳамадоний “назар бар қадам” рашҳасининг яна бир вазифаси нигоҳни жиловлашдир. Чунки, назар нопок, кераксиз ва бекорчи нарсаларга тушмаса, фикр бузилмайди, кўнгилик покликка соя тушмайди, шайтон васвасаси авж олмайди. Ўз-ўзидан, назар жиловланса, инсон кўп ёмонликлардан тийилади.

Инсонга берилган энг олий неъматлардан бири – кўз туфайли инсон борликни кўради. Кўз қуввати қалб ҳолатига бевосита боғлиқ бўлиб, гўзал нарса ва ҳодисаларга қараш қалбнинг ҳолатини яхшилади, ифлос, хунук нарса ва ҳодисалар қуввати қалбни ўлдирди. Шунинг учун қалб покликка кўзнинг қаерга ва кимга қарашига боғлиқ. “Сароб, ўткинчи нарсаларга қараб кўз нурини, кўриш қувватини зое этмаган ва ботин назари билан қараган кишига ҳақиқий илоҳий илм насиб этади” [3:70].

“Назар бар қадам” рашҳаси инсоннинг ўз ҳаракати ва феълени бошқара олишида муҳим аҳамиятга эга. Унда назар билан бир вақтда қадам қувватини назорат этиш, ҳар бир кўяётган қадамни босишдан аввал чуқур мулоҳаза қилиш тавсия этилади. Инсон ўз ҳаётини тўғри йўлга қўйиши унинг ўз қадамини бошқариш ва ислоҳ эта олишига бевосита боғлиқдир.

“Назар бар қадам” рашҳаси қадам қўйиш ва назар қилиш қувватларини эҳтиёт қилиш кераклигини назарда тутди. Инсон ўз қадамини фақат эзгулик йўлига сафарбар этиши, аксинча, ножоиз, нохуш жойларга қўймаслиги, ҳар босган қадамни мушоҳада қилиши, лозим бўлса, уни тўғри йўналтириши лозим. Назар эса, ўз навбатида қадамни мунтазам назоратда сақлаши керак. Шундагига инсоннинг ҳар бир қўйган қадами уни Ҳаққа яқинлаштириши, илоҳий сифатларни ўзлаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Хулоса шуки, “Назар бар қадам” рашҳаси ҳозирги кунда ёшларни ҳар бир ишни қилишдан олдин чуқур мулоҳаза қилиш, кўз нури ва қадамларини фақат эзгуликка йўналтириш орқали баркамол этиб тарбиялашда муҳим маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Юсуф Ҳамадонийнинг инсоннинг ўзлигини англашга, уни Ҳазрати Инсон зотига мансуб, мукаррам ва муаззам, улуғвор ва борлик гултожи эканлигини билиб, фахрланишига ёрдам берувчи тасаввуф таълимотига киритган учинчи рашҳаси “Сафар дар Ватан” – “Ватанга сафар”дир [3:73].

Ушбу рашҳада “Сафар” тушунчаси зоҳирий ва ботиний мазмуни билан эътиборга молик. Зоҳиран сафар мазмуни инсоннинг турли мақсадларда - илм олиш, хунар ўрганиш, сайр қилиш, кўчиш, тана ёрдамида Ватани бўйлаб сафарини англатади. Бунда инсон кўпни кўради, турли инсонлар билан суҳбатлашади, турли шароит ва вазиятларда яшайди,

дунёқараши кегаяди. Сафар жараёнида, унинг қийинчилик ва машаққатлари асносида инсон нафси риёзат чекади. Таъбир жоиз бўлса, мусофирликдан ҳақиқий мусулмон бўлиб шаклланади. Сафар натижасида инсон ўз уйи, Ватани қадрини яхшироқ англаб, Ватан туйғусини чуқурроқ ҳис қилади.

Сафарнинг ботиний моҳияти шундан иборатки, бундай сафар инсоннинг ўзлиги, борлиги, ботинида ақли, шуури, фаҳму фаросати орқали амалга ошади. Рухий сафар жиммоний сафардан кўра инсондан кўпроқ куч-қувват, ирода ва истак, ихтиёр, хотира ва хаёл қувватини талаб этади Ботиний сафарда тана аъзолари этмайди, барча масъулият ички ҳиссиётлар зиммасила бўлади. Бундай сафарда инсон ўз ботинидаги ҳар бир ўй-фикр, ҳиссиёт, хотира ва хаёлнинг кечишини кузатади, лозим бўлса, уларни ислоҳ қилади.

“Сафар дар Ватан” рашҳасидаги “Ватан” тушунчасини икки хил маънода келади: тор маънода Ватан тушунчаси инсон туғилган жой, киндик қони тўкилган манзил-макон тушунилади. Инсон дунёга келиб нафас олган, улғайган, она табиат Ватандир. Ватанда инсон камол топмоғи, шу юрт фарзанди бўлиб, уни эъзозламоғи, авайлаши ва унинг равнақи учун камарбаста бўлмоғи лозим.

Нақшбандийликнинг асоси “Даст ба кору, дил ба Ёр” ғоясининг назарий асоси Юсуф Ҳамадонийнинг “Хилват дар анжуман” рашҳасидир. Бу рашҳа Юсуф Ҳамадоний таълимотининг дунёвийлик хусусиятини ва ҳаёт мазмунига оид қарашларини очиб беришга хизмат қилади. “Хилват дар анжуман” қоидасининг мазмуни шундан иборатки, Аллоҳни яқинлашиш учун анжумандан узоқлашиш шарт эмас. Ҳамадонийнинг фикрича, Ҳақни англаш учун чилла ўтириш, узлатга чекинишга ҳожат йўқ. Аксинча, халқ ичида ҳалол меҳнат қилиш, жамиятга наф келтириш, фано бўлиш ва боқийлик даражасига эришиш мумкин. Инсон ҳалол меҳнат қилиб нафсини тоблаяди, ўзини танийди ва шу орқали Ҳақни ҳам танийди. “Хилват дар анжуман” рашҳаси асосида юзага келган “Даст ба кору, дил ба Ёр” ғояси орқали бу таълимот XV асрда Мовароуннаҳр[5:378] ва Хуросонда ҳунармандлар ва деҳқонлар, савдогарлар, оддий халқ ўртасида улкан нуфузга эга бўлган.

“Хилват дар анжуман” даги кундалик турмуш билан зоҳирий ҳаракатда фарқ йўқлиги, яхшилик, олий ҳиммат, меҳнатга муҳаббат, ҳунармандчилик, деҳқончилик қилиш, фақат ўз меҳнати билан кун кечириш, текинхўр, мағрур, насабпараст ва шунга ўхшаш дарвешларни танқид қилиши бу йўлнинг обрў ва нуфузини халқ ичида кўтарди. Шунинг учун Бухоронинг етти пирлари, Хожа Исмаил, Хожа Аҳрор[4:1242], Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар бу йўлни танладилар [2:85].

“Хилват” – араб тилидан олинган бўлиб, ёлғиз ўтирадиган, бегоналардан холи бўлган жой, ёлғиз ўтириш [2:87], маъноларини билдиради. “Анжуман” – жамоа, йиғин, мажлис, халқ, жамият, маъноларини англатади. Бир қарашда хилват анжуманни ва анжуман

хилватни инкор этади, бир-бирига қарши тушунчалар. Юсуф Ҳамадоний ўзининг фалсафий карашларида “анжуманда хилват” орқали бир-бирига муқобил кўринадиган бу тушунчаларнинг ботиний йўллар билан уйғунлаштириш воситаларини топа олган. “Анжуманда хилват” таълимоти орқали риёсиз, фақатгина Аллоҳ ризолиги учун эзгу амаллар қилишни ўргатган, шу орқали кишилар ҳаёти мазмуни ва камолот йўлини белгилаб берган.

“Хилват дар анжуман” нақшбандия таълимоти асосида турадиган 11 талабнинг биридир. Уни Юсуф Ҳамадоний Абдулҳолик Гиждувонийга насиҳат қилган [6:17]. Аввалига Гиждувоний уни қабул қилиб, ўзи асослаган Ҳожагон тариқати учун қоида ўлароқ мустаҳкамлаган бўлса, кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд бу ўғитни такомиллаштириб ўзи асослаган тариқатнинг негизи сифатида комилликка элтқувчи энг яқин ва мақбул йўл сифатида кўрсатган.

“Хилват дар анжуман” талабига риоя этиш учун махсус руҳий тайёргарлик лозим, чунки жамият ичида бўлиб, зикр ва тақвони фақат тангри учун холис бажариш мустаҳкам ирода ва кучли эътиқодни талаб этади. Бундай ҳаракат ботиний бўлиб, зоҳирий ҳаракатдан тубдан фарқ қилади. Албатта, бу йўл хос кишиларнинг йўлидир. Зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бўлиш учун солиқнинг қалб кўзи очик ва мукамал ҳаракат қилишга қодир бўлиши лозим. У ҳар бир қилаётган амалини тангри кўриб тургани, огоҳ эканлигига шак-шубҳа қилмаслиги лозим [3:85].

“Хилват риёзат орқали кам ейиш, кам ухлаш, рўза тутиш, оз гапириш, ёмон ҳамсуҳбатлардан узоқ туриш, мудом зикр қилиш ва хотирдаги алоқаларни йўқотиш орқали нафс билан муҳолафат қилишдир” [8:356].

Ҳамадоний инсон анжуман ичида меҳнат қилиб кўз, қулоқ, тил, қўл, оёқни ҳаромдан сақлаши керак, шу орқали ўзидаги яхши қувватларини эзгу мақсадга йўналтириши ва қалбини Аллоҳ учун очиб қўйиши зарур, деб ҳисоблайди.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ҳамадонийнинг юқорида таҳлил этилган тўрт рашҳаси инсон ҳушёрлиги, огоҳлиги, тана соғломлиги, қалб поклиги, руҳ тетиклиги каби хислат ва фазилатларни тарбиялайди. Олаётган ҳар бир нафасга шукроналик кайфиятида бўлиш, ҳар бир босилган қадам, ҳатти-ҳаракат учун масъулиятни зиммага олиш, ватанни севиш, эл қорига яраш, ҳалол меҳнат орқали кун кўриш, нафс риёзати орқали тана, ва қалб поклигига эришиш, руҳни “эҳсон”га етаклаш Юсуф Ҳамадоний рашҳаларининг моҳиятини ташкил этади. Шундай экан, бу рашҳалардан инсон камолоти учун муҳим аҳамиятга эга дурдона маънавий мерослар қаторида ёш авлод тарбиясида самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Бобохонов Ш., Мансуров А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: Мовароуннахр, 1993.52-бет.
2. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе,1989. - С. 85.
3. Наврӯзова Г, Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний – етти пирнинг табаррук устози. Монография. Тошкент. Машҳур-пресс. 2016. 70-б.
4. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192>. Pages: 1242-1246. DOI: [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)
5. Mukhamedov, N. (2023). Khoja Ahrar - peace and consent between people. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (117), 378-383. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>.
6. Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. - Тошкент: Университет, 1993 17-бет.
7. Сафо Забеҳуллоҳ. Таърихи адабиёти Эрон. ч. 1. – Б. 254.
8. Саччоди. Фарҳанги луғот ва истилоҳот ва таъбироти ирфони – Техрон, 1350 х. й. - Саҳ. 356.
9. Фарҳанги забони тоҷики. Иборат аз ду чилд. - Ҷ. 2. –М., 1969. - С. 477.
10. Хайруллаев М. М. 1X-X11 асрларда маданият юксалиш: дунёвий ва диний илмлар./Абдуҳолиқ Гиждувоний ва тасаввуф. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент: ЎзФА, 2003 – 4-бет.
11. Ходжа Юсуф Ҳамадани. “Рутбат ул хаят” (Степени жизни). Под общей редакцией доктора Голамхосейна Голамхосейнзаде. Предисловие и комментарии: д-ра Мухаммада Амина Рияхи. Ашгабат, 2003 г. Издатель: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане и Центр культурных и международных исследований. Стр. 7.